Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 6 сентябрь, шанба • №73 (11.564) • Эркин нархда сотилади





# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 сентябрь куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжўмарт Токаев, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Асқар Айтматов ва Тожикистон ташқи ишлар вазири Талбак Назаровни қабул қилди.*

Мамлакатимиз раҳбари ушбу мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ШҲТнинг шаклланиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгани билан муҳимлигини таъкидлади. Мазкур анжуман ташкилот олдига қўйилган вазифалар изчил бажарилиб бораётганидан далолат беришини қайд этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жадал ривожланаётгани аъзо давлатларда ҳамфикрлик ва якдиллик мавжудлигидан дарак беради. Нафақат хавфсизлик муаммоси, балки ШҲТ қамраган улкан минтақада савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни кўп томонлама ривожлантириш масалаларига ечим топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу ташкилот фаолияти барча аъзо мамлакатлар манфаатига мосдир. Табиий равишда унинг халқаро сиёсат майдонидаги нуфузи ҳам ортиб бормоқда.

ШҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Тошкентда илк бор мажлис ўтказди. Вазирлар давлатлар раҳбарларининг май ойида бўлиб ўтган Москва саммитида эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ амалий масалаларни муҳокама этди, ШҲТнинг шаклланишини охирига етказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни сарҳисоб қилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кенгашнинг Тошкент мажлиси муваффақиятли кечди, деб хулоса қилиш мумкин.

Оқсаройдаги учрашувда ШҲТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

***ЎзА.***

*СУРАТЛАРДА: қабул пайти.*
***Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.***

# ШҲТ: ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ

*Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоев, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қ.Токаев, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қирғизистон ташқи ишлар вазири А.Айтматов, Россия ташқи ишлар вазири И.Иванов ва Тожикистон ташқи ишлар вазири Т.Назаров иштирок этди.

2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида асос солинган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Зеро, мазкур олтилик ўз олдига терроргилик, айирмачилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш, минтақада ва дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби умумжаҳон масалаларга ечим топишдек долзарб вазифаларни қўйган. Шу боис ШҲТнинг ташкил этилиши ва у ўз олдига қўйган улкан вазифалар халқаро ҳамжамият томонидан ижобий қарши олинмоқда. Қатор мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг ШҲТ билан ҳамкорликка катта қизиқиш билдираётгани бунинг яққол далилидир.

Шу кунгача ШҲТ ташкилий босқични бошдан кечирди. Энди навбат – амалий ҳаракатга. Шу мақсадда Пекин шаҳрида ШҲТнинг доимий органи – Котибиятини ҳамда келаси йили январдан Тошкентда фаолият кўрсата бошлайдиган Минтақавий аксилтеррор марказининг ижроия қўмитасини ташкил этишга келишилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг маълум қилишича, келаси ойларда Тошкентда мазкур Марказ кенгашининг илк мажлиси бўлиб ўтади.

Тошкент анжуманида олти мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари шу йил май ойида Москва саммитида белгиланган вазифаларни ҳаётга жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишларни кўриб чиқди. Мажлисда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг яқинда Пекинда бўлажак мажлисига тайёргарлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унда олти аъзо мамлакат ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни, жумладан, транспорт, коммуникация, технология ҳамда сармоя жалб қилиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилади.

Тошкент анжуманида долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, томонларнинг Марказий Осиё дунёнинг тинч ва барқарор минтақасига айланишидан манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Бу борада ШҲТ Хартияси ҳамда аъзо давлатлар раҳбарларининг қўшма баёнотида кўзда тутилган масалаларнинг ҳаётга жорий этилиши катта аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Мажлисда Афғонистондаги вазият, Ироқдаги тикланиш жараёни, Корея яриморолидаги ядровий муаммони тинч йўл билан ҳал этиш, Яқин Шарқ можаросини ҳал этишга қаратилган "Йўл харитаси" режасини ҳаётга жорий қилиш борасида атрофлича фикр юритилди. Мазкур масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари ҳамоҳанг экани таъкидланди.

Вазирлар 2001 йил 15 июнда имзоланган Терроргилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси, 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербургда имзоланган ШҲТ Хартияси ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида минтақавий терроргиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги протоколларни имзолади. Шунингдек, Тошкент анжумаида қўрилган масалалар юзасидан якуний қўшма баёнот қабул қилинди.

***Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.***

## МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари 2003 йил 7-11 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимизда 2001 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида имзоланган Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома ҳамда 2002 йил 9 сентябрда имзоланган Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш бўйича протоколлар имзоланди.

Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қ. Токаев имзо чекди.

Шу сонга

## ТУМАНДА БИРИНЧИ

*Ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқда илғор бўлиб келган Тошкент туманидаги Ғулом-маҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги жамоаси аъзоларида орият кучли.*

Ана шу фазилат уларни бу йил ҳам об-ҳаво билан боғлиқ бўлган айрим қийинчиликларни омилкорлик билан енгишга, 235 гектар майдонда сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришга ундади. Улар бу ҳосилни жадал суръатларда йиғиб олишни бошладилар ва ҳозирги кунга келиб эл дастурхонига 4530 тонна сабзавот етказиб бериб, режаларини 4675 тонна қилиб бажардилар.

Оилавий пудрат усули деҳқончиликда яна бир бор афзаллигини кўрсатди. Ҳосилдорлик 200 центнердан ошиб кетди. Айниқса, Мукаррама Рихсиева, Шукур Орипов, Саид Асқаров сингари миришкорлар бош бўлган пудратчи жамоаларда ҳосилдорлик юқори бўлди.

***Н. ИСАЕВ.***

# МАТБУОТ АХБОРОТИ

*Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг қарорига мувофиқ 2003 йил 4 сентябрда Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида ШҲТга аъзо давлатлар, яъни ХХР, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров бошчилигидаги делегация иштирок этди.*

Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, уюшган трансмиллий жиноятчилик тўғрисидаги ишлар бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ахборот алмашиш бўйича тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, механизмларини яратиш, шунингдек кадрлар ўқувини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар мажлиснинг кун тартибидан жой олди.

Мажлисда ички ва халқаро терроризм ўртасидаги чегаралар йўқолиб бораётганлиги, халқаро терроризмнинг диний экстремизм, миллий сепаратизм, уюшган жиноятчилик, шу жумладан, қурол-яроғлар билан ноқонуний савдо қилиш ва наркомафия билан қўшилиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу жиноий кўринишлар трансмиллий характерга эга бўлиб бормоқда ҳамда нафақат алоҳида давлатлар ва ҳудудларнинг, балки, умумжаҳон ҳамжамиятининг хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу сабабдан ШҲТга аъзо давлатлар прокуратура органларининг ҳамкорлиги халқаро терроризм ва трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мажлис давомида Ўзбекистон делегацияси томонидан бир қатор аниқ таклифлар киритилди ва улар маъқулланиб, қабул қилинган хулосавий ҳужжатларда акс эттирилди.

ШҲТга аъзо давлатлар Бош прокурорлари мажлисида иштирок этиш терроризм ва халқаро жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлигини тараққий эттиришда муҳим босқич бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати.**

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «Эйвалек кимнинг ҳудуди»

*Газетамизнинг 2003 йил 16 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Оҳангарон тумани Эйвалек қўрғонида Тошкент вилояти ҳокимининг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳақидаги қарорининг бажарилмаётгани, умуман ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, қўрғон аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ночор аҳволдалиги ҳақида ёзилиб, шу ерда истиқомат қилувчиларнинг фикр-мулоҳазалари баён қилинган эди.*

Таҳририят мазкур мақола юзасидан "Эйвалекмахсустемирбетон" очиқ акционерлик жамиятидан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Эйвалекмахсустемирбетон" ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси газетадаги «Эйвалек кимнинг ҳудуди» номли мақолани диққат билан ўрганиб чиқди ва бу масала Оҳангарон тумани Эйвалек қўрғони коммунал хизмати умумий йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилишда иштирокчилар фикрлари тингланиб, «ЭМТБ» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси, турар-жойлардан фойдаланиш ширкати томонидан ушбу қўрғон турар-жой фондини таъмирлаш, иморатларнинг санитария-техник жиҳозланишини қисман тиклаш, қўрғон уйлари сув таъминотини яхшилаш ва бошқа зарур ишлар бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Эйвалек қўрғонини чиқинди ва ахлатлардан тозалаш борасидаги дастлабки тадбирлар ўтказилди. Қўрғондаги мактаб тезкорлик билан таъмирланаяпти, унга туташ ҳудуд ободонлаштирилмоқда.

Ўтказилган йиғилишда, шунингдек, истиқомат уйлари ва хонадонларни сақлаш, уларни янги турар-жойларга кўчаётган яшовчилар томонидан талон-тарож қилинишининг олдини олиш чоралари ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«ЭМТБ» ОАЖ юридик хизматига «Эйвалекмахсустемирбетон» ОАЖ ҳамда қўрғон аҳолиси ўртасида ҳақ тўланадиган маиший хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи шартнома ишлаб чиқиш, шу билан бирга коммуналчиларга уларни тузишда зарур ёрдам кўрсатиш топширилди.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Қўрғон аҳволини яхшилаш борасида дастлабки чоралар кўрилиб, илк тадбирларга қўл урилгани бизни қувонтиради, албатта. Қолаверса, мақолада ҳам таъкидлаб ўтилганидек, аҳолининг ўзи ҳам четда томошабин бўлиб турмаслиги лозим. «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти бошланган бу саъй-ҳаракатлар, чора-тадбирлар қолганлари ҳам қоғозларда қолиб кетмайди, деб умид билдиради.*

***Шу ўринда яна бир гап. Мақолага Оҳангарон тумани ҳокимлигининг муносабати биз учун қоронғу бўлиб қолмоқда. Ёки Эйвалек бу туман ҳудудига кирмайдими? Биз туман ҳокимлигидан жавоб кутмоқдамиз.***

*Юртнинг, элнинг фаровонлиги энг аввало келажагимиз эгалари бўлган фарзандлар камолоти, демакки, уларнинг оиладаги, қолаверса, мактабдаги тарбияси, онгининг, дунёқарашининг шаклланиши, билими, илмининг савиясига боғлиқдир.*



# ЭНДИ БИР СМЕНАДА ЎҚИШАДИ

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви ўз фаолиятида бу масалага катта эътибор бериб келмоқда. Хўжаликда турар-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи бинолар билан бирга боғча, ясли, мактаб қуриш, мавжудларини эса ҳозирги кун талабларига мос равишда кенгайтириш, янги асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъминлаш ҳамиша эътиборда. Яқинда бу ерда яна бир хайрли ишнинг гувоҳи бўлдик. Кўпдан буён фойдаланиб келинаётган 9-мактабга қўшимча 600 ўринли синф хоналари қурилди. Эндиликда хўжалик ҳудудидаги хонадонларнинг фарзандлари фақат бир сменада ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ҳозирги ўқувчи ёшлар ўз билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган машғулотлар билан кўпроқ шуғулланишни истайдилар, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Искандар Фозилов. — Шу туфайли биз мактабнинг спорт залларини, ўйингоҳни, энг сўнгги ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор бердик. Келгусида бу соҳадаги ишларимизни давом эттирамиз.

Ширкат хўжалиги ҳудудларини айлансангиз, бошқарув раисининг бу сўзлари амалиётда ўз ифодасини топаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

**Н.ИСАЕВ.**



***СУРАТЛАРДА:** бошланғич синф ўқитувчиси Малика Муҳамедова ўз ўқувчилари даврасида; мактабга қўшимча қурилган синф хоналари.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# БОЛАКАЙЛАР ХУРСАНД

*Мустақиллик шодиёналари ёшу қарини бирдек хушнуд этди. Жумладан, Зангиота қишлоғида етти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болакайларга бағишлаб, катта тантана уюштирилди.*

200 нафар кичкинтой пойтахтнинг Ёш томошабинлар театри саҳналаштирган қизиқарли томошалардан баҳраманд бўлишди.

Келажагимиз ворислари бўлган ушбу ёшларни қутлуг байрам билан «Болалар» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари туман бўлимлари вакиллари қизғин қутлаб, уларга турли-туман совға-саломлар улашишди.

***Ўз мухбиримиз.***

# ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

*Қуйичирчиқ туманида хотин-қизлар қўмитаси таркибидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошида бизнес ўқув маркази иш бошлади.*

Уни ташкил қилишга Германиянинг халқаро технологик ҳамкорлик бўйича мувофиқлаштирувчи раиси Карла Кюне хоним ҳомийлик қилди. Ўқув маркази учун ажратилган бино евро усулида таъмирланиб, компьютерлар, тикув машиналари, сартарошлик ва пазандачилик асбоб-анжомлари билан таъминланди. Бугунги кунда бу ерда 20 нафардан зиёд йигит-қиз компьютер сабоқлари, тикувчилик, пазандачилик ҳамда сартарошлик касбларини ўрганмоқдалар.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

# АБДУЛЛАГА ТЕНГ КЕЛОЛМАДИЛАР

*Жанубий Кореянинг Дэйгу шаҳрида XXII Жаҳон талабалари универсиадаси мусобақаси якунланди. Ушбу йирик анжуманда дунёнинг 174 мамлакатидан юзлаб спортчи иштирок этди.*

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан хабар беришларича, Универсиадада юртимиз спорт шарафини олти дзюдочи ва бир теннисчи ҳимоя қилди.

Универсиада дастуридан жой олган спорт турлари орасида дзюдо алоҳида мавқега эга. Шунинг учун ҳам дзюдо баҳсларида 71 мамлакат спортчилари қатнашди. Вакилларимиз орасидан эса Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Абдулла Тангриев ўзини кўрсатди. Дастлаб, у оғирлиги юз килограммдан зиёд полвонлар баҳсида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири саналган А. Тангриев мутлақ вазнда ҳам гиламга чиқди. Кескин ва муросасиз баҳслар якунига кўра, у иккинчи олтин медалга сазовор бўлди. Икки йил олдин Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтган Универсиадада ҳам А. Тангриев кумуш ва бронза медални қўлга киритганди.

Дэйгудаги баҳсларда дзюдочиларимиздан Э. Қодиров ва Р. Саидов бешинчи ўрин билан кифояланди. Михаил Соколовга еттинчи ўрин насиб этди.

Жаҳон талабалар универсиадасида теннисчи Оқгул Омонмуродова ҳам анча юқори натижага эришди. Жорий йилда Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиққан умидли теннисчимиз Дэйгуда бронза медалга сазовор бўлди.

Тошкент аэропортида спортчиларимиз тантанали кутиб олинди.

– Жанубий Кореяда қўлга киритган медалларимни юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлайман, – деди Абдулла Тангриев ЎзА мухбирига. – Олдинда бундан-да масъулиятли мусобақалар турибди. Жумладан, 11-20 сентябрь кунлари Японияда дзюдо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Мазкур мусобақада ва келаси йили Грециянинг Афина шаҳрида бўладиган Олимпиада ўйинларида ҳам олтин медаль учун курашаман.

***ЎзА.***

# ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касяненко ўз мамлакати мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди.*

Тадбирда элчи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги олти йил ичида қарийб икки баробар ўсгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги нефть-газ саноати ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам муттасил ривожланмоқда.

*ЎзА.*

# Ёшлар лагери

*Тоғ ёнбағрида жойлашган Сойлиқ қишлоғидаги болалар соғломлаштириш лагерида "Семург-2003" халқаро ёшлар мавзули лагери очилди.*

Лагерь Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси кўмагида ташкил этилди.

Бу анжуманга мамлакатимизнинг барча бурчакларидан фаол кўнгиллилар ҳамда Швейцария, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси вакиллари тўпланишди.

Мазкур ёшлар лагерининг асосий мақсади — тажриба алмашиш, инсонпарварлик ёрдами услубларини ўрганиш.

Лагер ишининг ҳар куни кўнгиллилар фаолиятининг бирор мавзусига бағишланган.

*ЎзА.*

## Пахта – 2003

# СУСТКАШЛИК — ҲОСИЛ КУШАНДАСИ

*Ҳозир пахтазорларда ҳосил тақдири ҳал бўлаётир. Шу боис ғўзанинг бугунги аҳволи ва талабига қараб, муҳим ва зарур агротехник тадбирлар қизғин давом эттирилмоқда. Айниқса, жойларда ғўза зараркунандаларига қарши кураш, сув талаб майдонларни танлаб суғориш, йирик ўтлар пайдо бўлган карталарга одамларни сафарбар этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Хусусан, Ўртачирчиқ туманида ҳам йиғим-терим оммавий бошланишидан олдин бажарилиши лозим бўлган барча зарур тадбирларни охирига етказишга қаратилмоқда. Бунинг учун туман ҳокимлиги томонидан тузилган махсус комиссия ишлаб турибди. Хўжаликлардаги ҳар бир пахта майдони кўздан кечирилиб, ишлов беришда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар жойида аниқланиб, уларни тезроқ бартараф этишга қаратилган йўл-йўриқлар берилмоқда.

Туманда асосий эътибор ғўза зараркунандаларининг оммавий тарқалишига йўл қўймасликка қаратилмоқда. Шу мақсадда жами 14 310 гектар майдоннинг 4870 гектарига «ИСО» эритмаси билан ишлов берилди. 9,5 минг гектар майдонга олтингугурт кукуни сепилди. Шунингдек, биологик усулдан ҳам имкони борича фойдаланилди. Жумладан, 10 минг гектар ерга габробракон, 7 минг гектарга трихограмма фойдали ҳашаротлари қўйилди. Энг оғир ҳудуд ҳисобланган 320 гектар майдондаги ғўзага кимёвий усулда ишлов берилди.

Бироқ, тумандаги барча хўжаликларда ҳам бугунги куннинг энг долзарб агротехник тадбирлари маромига етказиб амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Раҳбар ва мутахассислар ҳозирги ғанимат кунларнинг қадрига етмай, масъулиятсизлик қилишаётган, сусткашликка йўл қўйишаётган жойларда ҳосил тўпланиши, айниқса, уни сақлаб қолиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Масалан, «Янги турмуш», «Дўстлик», Ким Пен Хва ширкат хўжаликларидаги ўнлаб гектар майдонларда ғўзанинг ривожи суст, ҳосил чўғи паст.

Хусусан, «Янги турмуш» ва «Дўстлик» ширкат хўжаликларида ер ости сувлари кўтарилишига вақтида эътибор берилмагани боис 5-6 гектар ердаги ғўза эзилган, ҳосилга жиддий зарар етган.

Маълумки, бу йил ёз жуда иссиқ келди. Ҳатто, ҳозирги кунларда ҳам ҳарорат 38 даражага кўтарилаяпти. Бундай шароитда ғўзани суғоришда омилкорлик талаб этилади. Лекин, айрим мутасаддилар ҳафсаласизлик қилиб, ғўзанинг чанқатиб қўйилишига ёки ортиқча заҳлатиб ва ҳатто, кўллатиб юборилишига йўл қўймоқдалар. Бундай эътиборсизлик ҳосил чўғи ва сифатига салбий таъсир қилади, албатта.



Бегона ўт — ғўзанинг асосий кушандаси. Унга қарши чигит униб чиққан кундан бошлаб жиддий курашга киришиш зарур эди. Аммо, айрим хўжаликларда бу масалада лоқайдлик қилинди. Масалан, Ким Пен Хва номли ширкат хўжалиги пахтазорларида бегона ўт кўп. Тахминан 22 гектар майдонни ажриқ босган. Бунинг устига далалар шўра ва ғумай каби ўтлардан ҳам вақтида тозаланмаган.

Шуниси ачинарлики, тумандаги айрим фермер хўжаликлари асосий кучни бошқа экинларга қаратиб, ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўймоқдалар. Жумладан, «Азим ота» фермер хўжалигидаги ғўзанинг ҳозирги аҳволини кўриб, айнан шундай хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, кўчат жуда сийрак. Гектарига 50-60 минг тупдан ошмайди. Иккинчидан, уларнинг ривожи суст, бинобарин ҳосил чўғи паст.

Туман касб-ҳунар коллежи учун ажратиб берилган 18 гектар майдондаги ғўзанинг аҳволи бундан ҳам ачинарли. Агротехник тадбирларнинг бирортаси вақтида ва сифатли бажарилмагани яққол кўриниб турибди.

Бундай хўжаликлар келажакда фақат ўзлари режани барбод қилибгина қолмай, туманни, ҳатто, вилоятни ҳам орқага тортишлари мумкин. Бунинг олдини олиш учун айни кунларда хўжаликларда умумий сафарбарлик эълон қилиниб, ғўза парвариши қизғин давом эттирилиши лозим.

Хусусан, Ўртачирчиқ туманида ҳам мавжуд камчиликларни кечи билан 20 сентябргача тугатиш чоралари кўрилмоқда. Туман ҳокимлигининг махсус комиссияси ҳар куни хўжаликларнинг далаларини айланиб, аҳволни ўрганиб, зарур тавсиялар бермоқда. Юзага келаётган муаммони жойида тез ҳал этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ўринда «Қорасув», Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқув-тажриба хўжалигининг илғор тажрибалари кенг оммалаштирилмоқда.

Ғўза парваришига оид энг муҳим тадбирлардан бири дефолиацияни вақтида ва сифатли ўтказишдир. Ҳозир ушбу агротехник тадбирга ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриладиган пайт. Бугунги кунгача туманда 32 та ОВХ аппарати мавсумга тахт қилиб қўйилди. Мақсад — дефолиацияни 15 сентябрдан бошлаб, кечи билан 28 сентябргача тугатиш. Шунда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини октябрь ойида саранжомлаб олиш имконияти яратилади.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

«Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси «Обод маҳалла йили»да маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолининг кам таъминланган, ночор оилаларини моддий қўллаб-қувватлаш ишларида фаол қатнашмоқда. Чунончи, яқинда корхона ҳисобидан оталиқдаги учта маҳалла кексаларидан ўн икки киши санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар билан таъминланди. Бунинг учун 593 минг сўм сарфланди. Машинасозлар жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида турли хил мана шундай тадбирлар учун жами 7 миллион 800 минг сўм ажратдилар.

*Ўз мухбиримиз.*

## Солиқчи бурчаги

*Халқимиз — тадбиркор, ишбилармон. Буюк ипак йўли бўйлаб дунё кезган, бозор кўрган. Мустақиллик йиллари бу азалий анъана янги бир куч билан намоён қилинмоқда, тижорат аҳли юрт кезиб, жаҳон бозорида катта-кичик корхоналаримизда ишлаб чиқарилган, дала-боғларимизда етиштирилган маҳсулотларни сотмоқда.*

# БОЗОРДАГИ КУРМАКЛАР

Лекин, шоли курмаксиз бўлмас экан. Баъзи кимсаларнинг кирдикорлари билан танишсангиз, ҳайратдан ёқа ушлаб қоласиз.

Айниқса, ички бозорларимизда эркин савдо-сотиқ тамойилларини, давлат қонунларини бузиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Яқинда биз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги ва 2002 йил 26 ноябрдаги қарорлари вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги бозорларда қандай бажарилаётганлиги билан танишиб чиқдик. Шу текширувлар мобайнида тушумларни кассага кирим қилиш соҳасида кўпгина жиддий нуқсонлар содир этилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Биргина Зангиота туманидаги «Илм шуъласи» иш-ўқув қуроллари бозоридаги қинғирликларни олиб кўрайлик. Шу бозорда хусусий тадбиркор А. Абдазовнинг савдо дўкони бор. Биз савдо-сотиқ натижалари билан танишган кунимиз дўконда назорат-касса машинасига кирим қилинмаган 3450 сўм савдо пули бор экан. Бу ҳол бизни сергаклантирди. Дўконда сотилаётган буюмларни ҳисоблаб чиқа бошладик. Натижада хусусий тадбиркор божхона декларацияси, кирим ҳужжатлари бўлмаган 2,6 миллион сўмликдан зиёд ўқув қуролларини савдога қўйганлиги аниқланди.

Бошқа бир хусусий тадбиркорлик дўконида ҳам қинғир ишлар кўп экан. Унинг эгаси Х. Раҳмонов савдодан тушган 112 минг 675 сўмни назорат-касса машинаси орқали кирим қилмаган. Бу дўконда ҳам чет элдан ноқонуний йўллар билан олиб келинган 625 минг сўмлик идора буюмлари савдога чиқарилган. Уларнинг на божхона юк декларацияси, на кирим ҳужжатлари бор. Боз устига савдо ҳуқуқини берувчи рухсатнома муддати аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам дўкондорнинг парвои фалак.

Шу бозорда яна бир савдо тармоғи мавжуд. У ерда, жумладан, хусусий тадбиркор А. Қосимов ҳам фаолият кўрсатади. Унинг дўконида ҳам савдо-сотиқ қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди.

Зангиота туманидаги қурилиш ашёлари бозорида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор М. Хўжаевнинг савдо-сотиқ ишларида ҳам қатор қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.Тўғри, у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун гувоҳнома эга, импорт-экспорт операциялари билан шуғулланиш учун гувоҳнома ҳам олган. Тадбиркор ҳамма қонун-қоидаларни яхши билади. Лекин, уларга амал қилишда ҳардамхаёлликка йўл қўймоқда. Бўлмаса, савдога қўйилган буюмлар орасида хорижда ишлаб чиқарилган 121 дона тунука борлиги аниқланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу текширув жараёнида тадбиркор М. Исаевнинг фаолиятида ҳам ножўяликлар содир этилаётганлиги аён бўлди. У 60 минг сўмлик беш тўплам электродни ҳеч қандай ҳужжатсиз савдога қўйган.

Табиийки, хориждан қонунсиз олиб келиб сотилаётган буюмларнинг барчаси савдодан вақтинчалик олиб қўйилди.

Бозорларни айлансангиз, мана шундай чакки ишларга кўплаб дуч келасиз. Бир савол туғилади: «Бу нопок тадбиркорлар нахотки ўз қилмишларига яраша жазо муқаррарлигини ўйламасалар?». Биз бундай қинғир ишларга қанчалик тезроқ чек қўйсак, савдо хизмати шунчалик барқарор бўлади, бюджет тушумлари кўпаяди. Буни ҳеч қачон унутмайлик.

***Шукур ИБРОҲИМОВ,***
***вилоят Давлат солиқ бошқармасининг инспектори.***

# ДЕҲҚОННИНГ НОНИНИ «ТУЯ» ҚИЛАЁТГАНЛАР КИМ?

*Шуниси қувонарлики, ҳуқуқий демократик жамият қурилаётган мамлакатимизда фуқароларимизнинг тафаккури тубдан ўзгармоқда, уларда қонунларни ўрганишга ва шу орқали ўз хақ-ҳуқуқларини билишга интилиш тобора кучаймоқда.*

Айниқса, иш ҳақи тўловларининг вақтида тўланиши ва адолатли бўлиши билан боғлиқ қонун ва фармойишларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораяпти. Чиндан ҳам иш ҳақи ва бошқа сарф-харажатлар билан боғлиқ тўловларни тартибга солиш мақсадида давлатимиз томонидан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари ва бошқа иш ҳақларини ўз вақтида олишлари билан боғлиқ қатор ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган. Бу жараён шу ишга алоқадор мансабдор шахсларга катта масъулият юклайди. Зотан, қўл остида меҳнат қилаётган ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, етарли шарт-шароитлар яратиб бериш уларнинг асосий вазифаларидир. Аммо, жамоага бош бўлган мансаб эгаларининг барчаси ҳам бу масъулиятни тўла ҳис этаяпти деб бўлмайди.

Ана шундай ҳолатларни ўрганиш мақсадида, шу йилнинг олти ойи давомида Пскент туман прокуратураси томонидан бир қатор текширишлар ўтказилди. Натижада 51 нафар мансабдор шахсга аниқланган қонунбузилиш ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Туман ҳокимлиги ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг қонунга зид 39 та ҳужжатлари прокурор протестига асосан бекор қилинди, 57 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 29 мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, айбдорлардан 28 миллион сўм миқдордаги етказилган зарарларнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди, судларга 63 миллион сўм миқдордаги зарарларни ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан эса, 5 та жиноий иш қўзғатилди.

Албатта, туман прокуратураси томонидан амалга оширилган ишларнинг барчаси ҳақида газета саҳифаси орқали батафсил тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Бугун биз иш ҳақларини ўз вақтида тўлашга қаратилган қонунлар ижросининг айрим мансабдор шахслар томонидан қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасидир. Юртимиз деҳқонлари масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаяпти. Давлатимиз эса, ўз ўрнида уларнинг бу меҳнатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда ва муносиб тақдирламоқда. Иш ҳақларини ўз вақтида бериб бориш, уларни минерал ўғитлар ва замонавий техника билан таъминлаш шулар жумласидандир. Аммо, ўз манфаати йўлида деҳқоннинг топганига кўз олайтираётган айрим мансабдор шахслар ҳам учраб турибди.

Жумладан, 2003 йилнинг январь ойида Пскент туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида тумандаги А. Дўстбеков номли ширкат хўжалигида текшириш ўтказилганда, деҳқон ризқини ўзга мақсадлар учун сарфлаётганларнинг сири ошкор бўлди. Гап шундаки, давлат шартномаси бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун аниқ мақсадли транш маблағлари ажратилади. У эса, биринчи навбатда деҳқоннинг иш ҳақи, минерал ўғит ва техникага оид сарф-харажатларини қоплаш учун ишлатилади.

А. Дўстбеков номли ширкат хўжалиги учун ҳам 2002 йилги ғалла ҳосили бўйича тузилган контрактация шартномасига асосан 115 миллион сўм транш маблағи ажратилган эди. Афсуски, хўжалик раҳбарияти, шу жумладан, бош ҳисобчи Аблазиз Қаршиев республика акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и Пскент туман бўлимининг собиқ бошқарувчиси Музаффархон Абдуллаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 27 миллион сўмни ўзга мақсадларга, шу жумладан, хўжалик балансида фойдаланишга яроқли «Нексия» автомашинаси бўлишига қарамай, яна битта янги «Нексия» автомашинаси сотиб олишга сарфлаб юборганлар.

Қизиғи шундаки, автомашина пули Миллий банкнинг «Тўйтепа» бўлимига келиб тушиши лозим эди. Миллий банк томонидан А. Дўстбеков номли ширкат хўжалигининг иш ҳақи ва бошқа тўловларидан қарзи бор ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома сўралганда, транш пулларининг тўғри тақсимланишини назорат қилиши керак бўлган «Пахтабанк»нинг Пскент туман бўлими бошқарувчиси М. Абдуллаев кўзини чирт юмиб, ўз қўли билан хўжаликнинг ҳеч қандай қарзи йўқ деган сохта маълумотнома тайёрлаган ва ҳар эҳтимолга қарши маълумотномани ўзи эмас, шу банк ходими М. Абдуазимовга имзолатиб олган. Раҳбарнинг бу ғалати қилиғидан шубҳаланган М. Абдуазимов «нима учун ўзингиз имзоламайсиз?» деган саволига «мен ҳокимиятга шошиб турибман» деган баҳона билан қутилади.

Аммо, бу найранг узоққа бормади. Деҳқоннинг нонини «туя» қилмоқчи бўлган жиноятчилар прокуратура томонидан фош этилди. Айбдорлар қилмишларига яраша ўз жазоларини олдилар. Қонунга зид равишда харид қилинган автомашина эса, сотилиб хўжалик аъзоларига иш ҳақи сифатида тарқатилди.

Худди шу каби қонунбузарликлар тумандаги Й. Охунбобоев ва Навоий номли ширкат хўжаликларида ҳам содир этилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам туман прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, транш маблағларига ноқонуний сотиб олинган автомашиналар сотилиб, тушган пул маблағлари хўжалик деҳқонларига иш ҳақи сифатида берилди.

Тўғри, айбдорлар қилмишига яраша қонун олдида жавоб бердилар. Аммо, улар етказган маънавий зарар учун ким жавоб беради? Шу аснода Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Қаердаки қонун бузилиш бўлса, шу ерда норозилик кайфияти туғилаверади».

Ўзганинг мулкига кўз олайтирмоқчи бўлган мансабдор шахслар бир нарсани аниқ билиб олишлари лозим. Бугунги деҳқон, кечаги деҳқон эмас. Бугун қишлоқ одамларида қонунларни ўрганишга ва шу йўл орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олишга интилиш тобора кучайиб бормоқда.

Давр шуни тақозо этмоқда. Прокуратура ходимларининг асосий вазифаси эса, уларни ўз вақтида қонун ҳимоясига олишдир.

***Шоҳмуҳаммадбек МУҲАММАДЖОНОВ,***
***Пскент туман прокуратураси терговчиси.***

## РУСТАМ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ЎҚИЯПТИ

*Ереван шаҳрида рус тили бўйича ўтказилган бу йилги халқаро олимпиадада Ўзбекистондан ҳам бир неча ўқувчи фаол иштирок этди.*

Билимлар синовидан муваффақиятли ўтган ёшлар орасида паркентлик ўқувчи — Рустам Раҳимов ҳам бор эди. Фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, ғолибликни қўлга киритган бу иқтидорли ўқувчи Россия Федерациясининг Санкт-Петербург университетида ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинди. У янги ўқув йилини шу нуфузли илм даргоҳида бошлади.

***Акбар АЛИЕВ.***

# Sport

## ГРЕЦИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН

*Куни кеча Грецияда спортнинг эркин кураш тури бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўз якунига етди.*



Ушбу чемпионатда юртимиз шарафини биргина ҳамюртимиз Магамет Ибрагимов ҳимоя қилди. У бор куч-ғайратини ишга солган ҳолда ҳаракат қилди. Натижада 96 килограмм вазн тоифасидаги барча курашчиларни доғда қолдириб, олтин медални қўлга кирита олди.

Эркин курашнинг эгизаги ҳисобланган юнон-рум кураши бўйича эса жаҳон чемпионати Истамбул шаҳрида ўтказилди. Вакилларимиздан Элбек Тожиев 56 килограмм вазн тоифасида 4- ўринни эгаллаган бўлса, 70 килограммли полвонлар баҳсида Савриддин Наврўзовга 5-ўрин насиб этди.

***Ўз мухбиримиз.***

## БАЙРАМ ШАРАФИГА МУСОБАҚАЛАР

*Тошкент тумани меҳнаткашлари мустақиллигимизнинг 12 йиллигини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида арзигулик ютуқлар билан кутиб олишди. Айниқса, байрам муносабати билан спорт мусобақалари қизғин тус олди.*



Спортнинг футбол тури бўйича ўйинлар Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигида бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа 3 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бўлиб, йилдан-йилга иштирокчиларнинг сони ошиб бормоқда. Футбол мусобақаларининг финал босқичида 12 жамоа юқори ўринлар учун муросасиз кураш олиб боришди. Ўйин натижаларига кўра, биринчи ўринни Баҳодир Ғофуров бошчилигидаги 2-бош пудратчилар терма жамоаси эгаллади. Шоҳсупанинг 2-ўрнини Дилшод Набиев шафеълигидаги 5-бош пудратчилар жамоаси ҳамда учинчи ўринни Лазизжон Юсупов сардорлик қилган «Ёшлар» жамоаси қўлга киритди. 50, 40, 30 минг сўм миқдоридаги пул мукофотлари ўз эгаларини топди.

Шу куни қатор йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди. Жумладан, энг яхши дарбозабон номига Умид Ҳошимов сазовор бўлган бўлса, энг яхши ҳужумчи деб Аҳмаджон Маннопов тан олинди. Азизжон Мўминов эса энг ёш ва яхши ўйинчи бўлди. Хўжаликнинг фаолларидан бири бўлмиш 80 ёшли Халим ота Халилов ўйиннинг энг ашаддий мухлиси эканлигини намоён этди. Лазизжон Юсупов ҳакамларнинг энг одили деб топилди.

Ғолибларга ширкат хўжалигининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

***Хуршида МЎМИНОВА.***

### Олий лига

## ҲУЖУМДАН МАҚСАД – ҒАЛАБА

*Мамлакат XII миллий чемпионатида 21-тур учрашувлари бўлиб ўтди. 7 учрашувнинг 5 тасида майдон эгалари, биттасида меҳмонлар ғолиб келди. Бир ўйинда эса, жанговар дуранг қайд этилди.*

«Металлург» вилоят марказий ўйингоҳида «Дўстлик»нинг меҳмони бўлди. Учрашувнинг бошида мезбон ҳам, меҳмон ҳам ўз иззатини билдими, дарвозаларга тўп киритилмади. Ниҳоят биринчи бўлимнинг охирларида «Дўстлик» ҳужумчиси Александр Писарев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 2-бўлимда мезбонлардан ўрнак олган меҳмонлар хавфли ҳужумлар уюштирдилар. Металлургчи Фарид Хабибулин ўйиннинг 50-дақиқасида ҳисобни тенглаштирди. 5 дақиқа ўтар-ўтмас Аббос Абдуллаев томонидан йўлланган тўп «Металлург» жамоасига ғалаба келтирди.

Турнинг бошқа натижалари билан танишинг:

«Пахтакор» — «Машъал» — 3:0, «Сурхон» — «Гулистон» — 2:1, «Қўқон-1912» — «Самарқанд-Д» — 1:0, «Андижон» — «Нефтчи» — 0:0, «Цементчи» — «Қизилқум» — 1:0, «Насаф» — «Трактор» — 2:1.

«Бухоро» ва «Навбаҳор» жамоаларининг учрашуви 11 октябрь кунига қолдирилди.

***Хуршида НАЗАРОВА.***







## НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Яқинда Ал-Қуддус ҳудудида амалга оширилган террорчилик ҳуружи оқибатида тинч фуқаролар ва ҳарбийлардан 21 нафар киши ҳалок бўлган эди. Бундан ғазабланган Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластин мухторияти билан барча мулоқотларни батамом узиш ҳақида фармойиш берган эди. Фаластин экстремистлари қилмишига жавобан Ғазо минтақаси ва Урдун дарёси чап соҳилидаги баъзи масканлар вайрон қилинди, ҳатто, вертолётлар ишга солинди. Жангари ташкилотларни йўқ қилиш шу куннинг долзарб масаласи эканлиги қайд этилди.

Бундай вазиятда Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос қийин аҳволга тушиб қолди. Эндиликда у мухторият парламентини тинчлик йўлини давом эттириш шарт эканлигига кўндирмоғи лозим. Бироқ, унинг раҳнамо Ёсир Арофат билан баъзи масалаларда келиша олмаётганлиги сиёсий ислоҳотларни охирига етказишга, АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан бирга ишлаб чиқилган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнига монеълик қилмоқда. М. Аббос ўз фикрлари билан парламент депутатларига мурожаат қилади ҳамда ўзининг 100 кунлик фаолияти ҳақида ахборот беради, деб хабар берди «Рейтер» агентлиги.

## ФОЖИА АСОРАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Нью-Йорк Таймс» газетаси 2001 йил 11 сентябрь воқеаларининг икки йиллиги муносабати билан янги маълумотларни эълон қилди. Эслатиб ўтамиз. Нью-Йоркдаги осмонўпар эгизак бинолар — Халқаро савдо марказига номаълум самолётларнинг урилиши натижасида бегуноҳ 2792 нафар одам нобуд бўлган эди. Орадан ўтган икки йил мобайнида янги тафсилотлар аниқланди. Улар 1,8 минг саҳифани банд этди. Маълумотларнинг аввалроқ чоп қилинмаганлигига фожиа асоратидан одамлар ҳамон азият чекишларидан ҳадиксираш бўлди. Аммо, шаҳар муниципиал маъмуриятига барча ахборотларни ошкора эълон қилиш тўғрисида суд томонидан кўрсатмалар берилганидан сўнг газета ўйлаган режасини амалга ошира бошлади. Газетанинг 11 сентябрь воқеалари ҳақидаги мақолалар босилган сонларини топиш амри маҳол бўлмоқда.

## РАҚС УЧУН МУКОФОТ

Шу кунларда Донецк шаҳар опера ва балет театрининг яккахон ўйинчиси, қора танли Жерлин Ндудининг қувончи ичига сиғмаётир. Гап шундаки, раққосларнинг Амстердам шаҳрида ўтказилган «Евровидение» танловида Ж. Ндуди ҳаммани қойил қолдирди. Бу йигитча 16 ёшда бўлиб, ота-онаси Конгода ҳалок бўлганларидан сўнг Украинага келиб қолган эди. Ўз вакилининг ютуқларидан мамнун бўлган мамлакат президенти Леонид Кучма артист ўсмирни бир хонали ажойиб квартира ва махсус маош билан сийлади.

## ТАОМ ИЗЛАБ ҚЎЛГА ТУШДИ

Атлантадаги Олимпиадада портлаш ташкил қилиб қочган жиноятчини қидириш узоқ йиллар давом этди. Аммо, Федерал қидирув бюроси бир кун ҳам излашни тўхтатмай, ишсиз Эрик Рудольфни яқинда ахлат солинган қутиларни титаётган пайтида Мерфи шаҳарчасида қўлга олди. Уч йиллик терговдан сўнг портлатган шахс айнан 36 ёшли собиқ ҳарбий хизматчи Рудольф эканлиги аниқлангач, жиноятчи тоққа қочган эди. Эрикни шунингдек, Алабама ва Атланта штатидаги бошқа портлашларда ҳам айблашди. У арзимас хато билан қўлга тушиб қолди. Махсус тайёрланган полициячилар ғор ва далаларни итлар ва вертолётлар ёрдамида инфрақизил жиҳозлар воситасида қидириб кўрди. Лекин Эрик тоғдан шаҳарчага тушиб ножўя иш қилди. Бу ерда полиция унинг пайдо бўлишини ва егулик излашини пойлаб, шай бўлиб турган эди.

Шарҳловчи минбари

# ИРОҚҚА ОИД ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

*Мустақил Ироқ давлатини шакллантириш жаҳон ҳамжамияти олдидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаётир. БМТ Хавфсизлик кенгашида мазкур масала юзасидан тайёрланган махсус резолюция муҳокама қилинмоқда.*

Буюк Британиянинг БМТдаги доимий вакили Жоунс Пэрри, ушбу ҳужжатда, энг аввало, мустақил Ироқ давлатини қарор топтириш учун зарур иқтисодий, сиёсий ҳамда хавфсизлик кафолатларини яратиш масаласи кўзда тутилиши керак, деди. У 24 сентябрдан БМТ Хавфсизлик кенгашининг ўтган ой якунларига бағишланган йиғилишида раислик қилиши керак.

Хавфсизлик кенгашининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги мазкур йиғилишида Ироқ каби ҳарбий ҳаракатлар бўлиб ўтган мамлакатларда қонун устуворлиги ҳамда адолатли судловни таъминлашда БМТнинг ролини кучайтириш масаласи муҳокама этилиши керак. Бу келажакда шундай ҳолатлар вужудга келганда жаҳон ҳамжамиятининг қандай йўл тутиши зарурлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ж.Пэррининг сўзларига қараганда, яқин кунларда АҚШнинг Ироқ бўйича тайёрлаган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этилади. Дипломатнинг фикрича, Ироқда мумкин қадар тезроқ мустақил давлат тузилмалари шакллантирилиши зарур ва бу борада Хавфсизлик кенгашининг барча аъзолари биргаликда ҳаракат қилиши керак.

Ироқ юзасидан АҚШ тайёрлаган резолюция матни билан ҳозирча фақат Буюк Британия вакили танишиб чиққан. Мазкур ҳужжатда Ироқ мустақиллигини тиклаш, ушбу жараёнда БМТ иштирокини кучайтириш масалалари билан бирга, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш учун белгиланган вазифалар ҳам акс этган.

Резолюциянинг қабул қилиниши Ироқни тиклаш ишларида халқаро молия институтлари иштирокини кучайтиради. Шунингдек, у жорий йилнинг октябрида Мадридда бўлажак Ироққа ёрдам берувчи мамлакатлар вакиллари учрашувининг самарадорлигига таъсир этиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳужжатда Ироқда хавфсизликни таъминлаш учун кўп миллатли тинчликни сақлаш кучларини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган. Ж.Пэрри бу қўшин БМТнинг эмас, балки ташкилот низомига мувофиқ Хавфсизлик кенгаши ихтиёридаги кучлар сифатида фаолият кўрсатишини маълум қилди. Хавфсизлик кенгаши умумий қўмондонлиги остида фаолият юритадиган қўшин ҳозир Ироқда турган АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар ҳарбий қисмларидан ташкил этилади. Миссия харажатлари БМТ ҳисобидан қопланмайди.

***Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***


Нью-Йорк

Турфа олам

## ЎЗИНГГА ЎЗИНГ ҚАРА

Америкада ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, 83 фоиз эркаклар қорни чиққанида ўзига ишончни йўқотиб, нима қилишларини билмай қолар эканлар. Ёғли овқат, турли хил ширинликлар, пиво, вино туфайли пайдо бўлган ёғ қатлами уларни ўз ишларини йўқотиб қўйиш хусусида кўпроқ ташвишга солмоқда. 73 фоиз эркак эндиликда мунтазам равишда машқ залига ташриф буюрмоқда, 43 фоизи эса қатъий парҳезга амал қилмоқда.



## ЛЕНДУЛАР БИЛАН ОЛИШУВ

Буюк Британия аскарларидан бир гуруҳи Африкага юборилди. Улар 110 нафар одамни еган одамхўрлар қабиласи билан курашишлари керак. Аскарларга Конгонинг Буния шаҳрида бир ҳафта давом этган одамхўрликка чек қўйиш тўғрисида буйруқ берилган эди. Ленду қабиласи аъзолари кўчаларда одамларни тутиб олиб, уларни ўлдирган. Кейин истеъмол учун ички аъзоларини ажратиб олишган. Гувоҳларнинг айтишича, улар одамларнинг ҳали совумаган этини истеъмол қилган. Улар истиқомат қилган ҳудуддан одамлар оммавий тарзда кўчиб кета бошлади.

Ҳозирги пайтда БМТнинг қарорига кўра, Конгога халқаро кучлар ҳам нобакор қабилани тартибга чақириш учун жўнатиляпти. Аммо, Африкани яхши биладиган кишилар каннибализм (одамхўрлик)ни тугатиб бўлмайди, дейишмоқда.

## СУВНИ КЎП ИЧИШ ЁМОН

Инсон нафақат чанқашдан, балки, кўп сув истеъмол қилишдан ҳам ўлиши мумкин, деган ақида айни кунларда устун бўлиб турибди. Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача спорт билан шуғулланувчиларга танидан кўп суюқлик сарфлангани туфайли сувни кўпроқ ичиш тавсия этиларди. Эндиликда бу ҳолат ҳаёт учун хавфли демоқдалар. АҚШнинг енгил атлетика федерацияси спортчиларга сувни қандай ичиш кераклиги ҳақида тавсиянома чиқарди. Тоза сувни кўп миқдорда истеъмол қилиш сув интоксикацияси (заҳарланиш)ни келтириб чиқариши мумкин экан. Чунки, инсон танасидаги энг зарур моддалар сув билан ювилиб кетса, ўлиш ҳеч гап эмас! Гап шундаки, узоқ масофаларга югурадиган спортчилар сувсизликдан эмас, балки кўп сув ичишдан азият чекади.



Турфа олам

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

# «МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ»

*Тошкентдаги "Оила" тиббий марказида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан "Мустақиллик тенгдошлари" мавзуида концерт дастури ўтказилди.*

– Бу тантана боқувчисиз қолган ва кам таъминланган оила фарзандлари учун байрам совғамиздир, – дейди жамғарманинг "Она ва бола" бўлими бош мутахассиси Зулхумор Абдумаликова. – Ёш авлодлар бизнинг энг катта ишончимиз, мадад ва таянчимиздир. Мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири, келажаги шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида мужассам.

Тадбирга Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг 12 ёшга тўлган фарзандлари таклиф этилди. Урф-одатларимизга кўра мучал тўйлари алоҳида бир эътибор билан ўтказилади. Бу байрам ҳам болажонларнинг маъсум қалбларига катта қувонч бағишлади.

Тадбирга келган болалар "Томоша" болалар театр-студиясининг чиқишларини томоша қилдилар. Жамғарма томонидан тарқатилган байрам совғалари ва музқаймоқлар болалар қувончига-қувонч қўшди.

*«Туркистон-пресс».*

## Ибратнома

### ЭНГ ЖЎМАРД ОДАМ

Ҳотамтойнинг жўмард ва яхшилик қилишни суядиган инсон бўлганини ўз замонасида билмаган одам йўқ эди. Бир кун ул зотдан сўрадилар:

— Эй Ҳотам, ўзингиздан ҳам сахий, фақир-фуқароларнинг эҳтиёжини қондирадиган бирон-бир инсонни биласизми?

Ҳотамтой бундай жавоб берди:

— Бир куни қирқ туя сўйдирдим. Қабила бошидан тортиб, ҳаммани таклиф қилдим. Ўзим чор-атрофни айланиб, яна бирор кимса бормикан деб истадим. Қарасам, тиканларни боғлаб, орқалаб бир чол келмоқда. Унга яқинлашиб:

— Эй, ота! Ҳотамтой катта зиёфат бераётганини эшитмадингизми? Туялар сўйилган, ҳолвалар, паловлар тайёрланган. Халқ ҳаммаси Ҳотамтой дастурхони атрофида тўпланган. Сиз нега бормадингиз? — дедим.

Ўтинчи чол:

— Ўзим орқалаб борган бу тиканак ўтинларни сотиб, овқат оламан. Бу овқат мен учун Ҳотамтой берган зиёфатдан лаззатлироқ. Куч-қувватим бўла туриб, бировга юк бўлишни хоҳламайман, — деб жавоб берди.

— Мана шу чолни Ҳотамтойдан ҳам жўмард ва шарафлироқ билдим, унинг қадрини ўзимдан баландроқ кўрдим, — деди Ҳотамтой.

***К. ЭГАМБЕРДИЕВА* тайёрлади.**

## Китоб жавонингизга

Ҳақиқий истеъдод соҳиблари мудом эл орасида бўлади, деганлари баайни ҳақиқат. Умрини мураббийликка бахшида этган Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали муаллима Саида Душаевани Оҳангарон туманида ҳамма шоира сифатида ҳам эъзозлайди.




Қатор йиллардан буён тумандаги Муқимий номли 8-умумтаълим мактабида она тили ва адабиётдан сабоқ бераётган опахоннинг дарслари ҳам бағоят жонли тарзда ўтади. Негаки, бадиий адабиёт вакиласи бўлган шоира — муаллима ўзи учун ҳам севимли адабиёт дарсини «шунчаки» ўта олмайди. Ҳар бир мавзуга ижодкор кўзи билан қараши аён сезилиб туради. Бадиий ижодни муқаддас неъмат деб билган қаламкашга мавзулар мисоли жозибали тилсимдек. Ҳар бир дарсда бир мавзу тилсимини ўзига хос равишда тушунтиришга ҳаракат қилади.

Саида опанинг илк шеърлари 1963 йилда тумандаги «Машъал» газетасида ёритилган эди. Ўшандан буён изланувчан шоиранинг ранг-баранг мавзудаги назмий сатрлари турли нашрларда ёритилиб, ўз ўқувчиларини топаверди.

Ниҳоят, яқинда Саида Душаеванинг «Жилға қўшиғи» деб номланган шеърлар тўплами «Наврўз» нашриётида чоп этилди. Тўпламга таниқли шоир Барот Исроил сўзбоши ёзган. Ушбу мўъжаз тўпламдан ўрин олган оҳорли шеърлар замирида Қурама тоғларидан тушаётган жилғаларнинг зилол сувлари тафтини туйгандек бўласиз.

***Мен тоғларнинг юзидаги ибосиман,***
***Кўксимга тош отар мағрур қоялар.***
***Мен тоғларнинг дардли қалби, нидосиман,***
***Бағримда акс этар, субҳи зиёлар.***

Унинг «Мустақиллик», «Оҳангароним», «Ёшлик», «Баҳор», «Она тилим», «Руҳим чечаклари», «Она алласи», «Аёлман», «Биринчи ўқитувчим», «Она мадҳи», «Наврўзим», «Йигитлар», «Нашида» сингари қатор шеърларида она-Ватанга чексиз муҳаббат, севгига садоқат, ёшлик сурури ва ғурури тараннум этилади. Жозибали сатрларни мутоала қиларкансиз, ажиб туйғулар вужудингизни чулғаётгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Сара гуручда ҳам курмак учрагани мисол «Жилға қўшиғи» тўпламидан ўрин олган айрим шеърлар қиёмига етмаган бўлиши, баъзи қусурлар учраши мумкин. Бироқ, бу камчиликлар тўпламнинг умумий қимматига «соя» ташлай олмайди. Муҳими, улкан тоғ бағридан сизиб чиққан жилға мисол ажойиб тўплам яратилгани билан шеърият мухлисларини ҳам қутласа арзийди.

Олтмишинчи баҳорини нишонлаётган ажойиб муаллима — шоира Саида Душаевага ушбу тўплам муносиб совға бўлганига шубҳа йўқ. Нафақат муаллифга, балки, кўплаб шеърият мухлисларига, оҳангаронлик зукко ўқувчиларга ҳам ажойиб туҳфадир.

***Тўлқин ЭШБЕК.***

## Ривоятлар ва ҳикоятлар

*Ёзувчи Мухтор Худойқулов «Ривоятлар ва ҳикоятлар» деб номланган туркум ҳикоятлардан иборат китоб тузди. Унда қадимги ривоятлар, нақллар, ёзма манбалардан олинган маълумотлар асосида ёзилган қисқа, ибратли ҳикоятлар ўрин олган бўлиб, уларда қадимги аждодларимизнинг донолиги, эзгулик учун олиб борилган кураш лавҳалари ўз ифодасини топган. Қуйида биз ана шу ҳикоятлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

### КАСБ-ҲУНАР — РЎЗНОМА АСОСИ

Келтирибдурларким, Шайх Абдуллоҳ Мағрибийнинг тўрт ўғли бор эди. Ҳар бир ўғлига бир ҳунар ўрганмакни буюрди. Ундан бунинг сабабини сўрадилар. «Ҳар бир ўғилга бир ҳунар ўргатурман, токи мендан кейин «Фалонийнинг ўғлиман», деб элнинг жигарини емагайлар ва ҳожат вақтида касб-ҳунар уларга рўзнома асоси бўлиб хизмат этгай».

### ҲАР ИШНИНГ МЕЪЁРИ БОР

Бир дарвеш шавкатли бир подшо билан тез-тез суҳбат қуриб турарди. Кунлардан бир кун у подшонинг чеҳрасида озгина малоллик сезди ва унинг суҳбатидан қадамини узди.

— Нега кўринмайсан? — деб сўради бир гал подшо уни кўриб.

— «Яна кўриндингми?» — деган саволдан «Нега кўринмайсан?» — деган савол аълороқ бўлгани учун кўринмай юрибман, — деб жавоб қилди дарвеш.

### ҲАДЯ СЎРАЛМАСДАН БЕРИЛАДИ...

Бир подшоҳ билан донишманд ҳадя хусусида баҳс юритишибди. «Бўйин эгиб ҳадя сўрамаган кимса ҳадяга лойиқ эмас», — дебди подшоҳ. «Сўраб олган одам олган нарсасига нисбатан кўпроқ йўқотади, ҳақиқий марҳаматли киши сўрамасдан беради», — дебди бунга жавобан донишманд.

***Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.***


## «Чирчиқ-Оҳангарон»

**ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси,**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 28 июлдаги 121-сонли буйруғи билан ташкил этилган Тошкент магистрал канали, «Бўзсув», «Паркент-Қорасув», «Оҳангарон-Далварзин» ирригация тизимлари ва Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда қатнашувчи номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотнома, таржимаи хол, тавсифнома, маълумоти ва илмий даражасини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

**Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 5 кун.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-уй. **Телефон:** 55-81-85.

Ҳамза тумани ҳокимлигида рўйхатга олинган ТЗП «Ғаллақудуқ» МЧЖ (ИНН 201240874) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 170-52-82 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими Шоаброр Шомаҳкамович Шомансуровнинг 2002 йил 28 августда берилган 19678 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## «ШИФОБАХШ БУЛОҚ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 30 сентябрь куни соат 10.00 да акциядорлик жамиятининг Ҳ. Асомов кўчаси 1-уйдаги маъмурий биносида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. Жамият бошқарувининг 2003 йил 8 ойлик молия-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Акциядорлик жамияти Устав жамғармаси ҳажмини Президентнинг 2003 йил 24 январдаги 3202-Фармони низомига мувофиқлаштириш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этиш.
3. Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
5. Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш.
6. Акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш.
7. Акциядорлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

***Кузатув кенгаши.***



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-846. Адади 3911. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5